

БУГУНГИ КУН ТЕАТР БИНОЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мансуров Яшнар Маъруфович¹, Расулов Алишер Адхамжон ўғли²

¹ Комолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Дизайн” кафедра доценти, архитектура фанлар номзоди.
yashnarmansurov@mrtdi.uz

² Комолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, “Дизайн” кафедра 1 курс магистранти.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6178759>

Анотация: Мақолада театрларни жамиятдаги ўрни, аҳамияти ва тарихи ёритилган. Уларни hozirgi замон маданият ва санъат бинолари сифатида меъморчилик ва дизайн ечимлари кўриб чиқилган. Замонавий имкониятлар нуқтаи назарида ички муҳит ва кўрсатиладиган сахнавий ечимларини тамошабинларга яқинлаштириш мақсадида янги фазовий ва инновацион, ахборот технологияларни тадбиқ қилиш тавсия қилинган

Калитли сўзлар: театр, интерьер, зал, музей, галлерея, меъморчилик, дизайн, фазовий ечим, ижодий муҳит, маданият, санъат, ахборот, технология.

Кириш.

Инсон шахси камолоти ривожда маданият ва маънавият энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу омилларнинг шакилланишида театр, концерт, музей, санъат галлереялари, ҳамда кўргазма залларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Улар бевосита томошабиннинг билим доирасини кенгайтиради, савиясини оширади, омма ичида ўзини тутиш, этика ва эстетика қонунларини ёдга солади. Бу масканлар нафақат манавият ўчоғи балки, ҳалқ, миллатнинг тарихи, ўтмиши, қадрият ва анъаналари, бугунги ижтимоий сиёсий ҳаётнинг кўзгусидир. Улар сиёсий, маданий ва маърифий ўтмишни, бугунги кун билан боғлаган ҳолда келажакдан сўз очувчи энциклопедия дейиш мумкин. Бундай масканларни барпо этиш, унинг ривожини, унга бўлган аҳамият ҳамма даврда ҳам муҳим ва ўринли масалалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бу борада жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Республикасининг ижобий имиджини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, театр санъатини оммалаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг¹

¹ <https://lex.uz/docs/4825237>

Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. [1.]

Айнан театр соҳасини ривожлантириш хусусида гап кетар экан, Ўзбекистон ҳудудида театрнинг шакилланиши ўзига ҳос даврий ривожланиш босқичларини босиб ўтганлигини айтиб ўтиш жоиз. XX аср бошида, мустамлакачилик зулимига қарамай, халқимиз янги урфларга - миллий уйғониш ва эркинлик сари интилиб яшаган бир даврда буюк аждодларимиз - жадидлар томонидан амалга оширилган бу улкан иш, бу ҳаракатни ўзига ҳос маънавий жасорат намунаси деб аташ мумкин. 1914-йили Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” пьесаси билан ўз пардасини очган илк ўзбек театри бир асрлик вақт мобайнида ҳар бир халқ ғурурланса арзигулик театр сифатида шаклланди ва ривож топди.

Биринчи ўзбек ижодий жамосининг номи “Турон” труппаси сифатида ривожланди. Труппанинг бадий раҳбари Абдулла Авлоний, маънавий ва моддий ҳомийлари Мунавварқори Абдурашидхонов сингари Тошкентнинг мўтабар кишилари ташкил этган. 1918 йил “Турон” труппаси давлат ихтиёрига олиниб, унга “давлат театри” мақоми берилди. Бадий раҳбари ва режиссори этиб Маннон Уйғур тайинланди. Жадид театри драматургиясининг муҳим хусусияти – унинг оила ҳаётини тасвирлаш билан инсон қалбига кириб бориш, уни маърифий тарбиялаш ва шу орқали жамият ҳаётида авж олиб бораётган миллий уйғониш ғояларини тараннум этишда кўринган эди.

Шуни таъкидлаш жоизки ўз тараққиёти йўлида жаҳон театри тажрибасини ўзлаштириб борди. “Турон” труппасида бошланган ўзга халқлар драматургиясини саҳналаштириш тажрибаси кейинроқ, ўзбек саҳнасига Шиллер, Гогол, Шекспир сингари драматурглар асарининг кириб келиши билан давом эттирилди. Ўзбек актиёрларини 1924-1927 йиллар Баку театр техникуми ва М.Уйғур, Чўлпон раҳбарлигида Москва театр студиясида таҳсил кўрганликлари уларнинг касбий даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Театрга 1929-йил Ҳамза номи, 1933-йил “академик драма театри” мақоми берилди. Жаҳон ва миллий мумтоз асарларга мурожаат эртиш билан театр ўз мавқеини янада мустаҳкамлади.

Асосий қисм. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, театр фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй берди. 2001-йил 21-сентябрдан театр номи ўзгартирилиб, ***“Ўзбек миллий академик драма театри”*** деб атала бошланди. Театр биноси 2001-йилда замонавий талабларга жавоб берадиган қилиб қайта та’мирланди. Та’мирдан сўнг бино бутунлай янги қиёфага эга бўлди, замонавий техник муҳандислик асбоблари билан

жиҳозланди. Бош тарзи устунлардан ташкил топган, пештоқи эгик ёй шаклида, 3 та кириш эшиги равоқли. Фое ва зали оғир қурилмалардан халос этилди: фое шифтига нақшинкор безакли гумбаз, томоша залининг шифтига эса осмонда сузиб юрган булутлар тасвирланган осма гумбаз ишланган, унинг атрофи гул япроқларини эслатувчи қандиллар билан ҳошияланган. Зални ёритишда 7 қисмли нодир ёритиш тизими қўлланган. Биринчи қаватда вестибюл, Иккинчи қаватнинг ўнг қанотида "Мақом" мусиқа салони, чап қанотида театр раҳбарияти хоналари, Учинчи қаватда театр музейи жойлашган. Бинонинг ер ости қисмига кичик зал, ходимлар учун спорт зали ва бошқалар хоналар, гардероб ишланган. Бош тарзитдаги стилобат кенглигида 2та касса, барлар жойлашган. Зал деворлари ганчкорлик усулида безатилиб, оралиқларига бир маромда такрорланувчи зарҳалланган кўк кошинкори вертикал йўллар ишланган. Саҳна пардаси зардўзи кашталар билан жозибадор безатилган. Катта (540 ўрин) ва кичик (110) залдаги ўриндиқ, фое ва зинанинг ёғоч тўсиқлари Италиядан келтирилган; залнинг пойдевори яшма тошларидан, фое поли оч рангли мрамрдан қадама усулида ишланган. Эшиклар ёғоч ўймакорлигида жозибадор безатилган. [2.]

Бинонинг ме'морий ечимида миллий ме'морий ан'анавий усуллардан фойдаланилган. Бино Навоий кўчасидаги 50-йилларда қурилган бинолар билан уйғунлаштирилган. Пештоқ антабментининг ме'морий бўлаклари, ён тарзларидаги устунлар бетонда қуйиб тайёрланган, сўнг бўялган. Бино безакларини яратишда "Усто" бирлашмаси усталари, Ҳайкалтарошлик экспериментал ишлаб чиқариш комбинати, Тошкент керамика заводи, "Илҳом" театри рассомлари ва бошқалар самарали меҳнат қилди. Олдидаги витражлар кўк ранг, ён тарзлари тилла ранг шишалардан ишланган. [3.]

Бинонинг ташқи ёритилишига алоҳида аҳамият берилган: устун остига ўрнатилган чироқ ва прожекторлар билан бинонинг тунги салобати, кўрки намоён бўлади.

Тошкент шаҳрида жойлашган яна бир маънавий бойлигимизнинг бой ўчоқларидан бири **Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри** ҳисобланади. Мусиқали драмадек мураккаб санъат жанрининг пайдо бўлиши ҳам ўзбек халқининг бениҳоят бой бадиий меросига эгаллиги ва шу меросни замонавий театр тилига кўчира олувчи соҳиби талантлар борлиги билан боғлиқ эди. Таъкидлаш лозимки, ўтмишда бу "фолклор жанр, ўткинчи опера санъатига ўтишда кўприк восита холос" деган фикир-мулоҳазалар мусиқали драма йўлига қанчалик тўсқин

бўлмасин, у ривожланишда давом этаверди. Ҳам соф драма, ҳам муסיқали драма асарларини саҳналаштиришга қаратилган “Муסיқали драма ва камедия театри “ деб аталган вилоят театрлари драма борасида ҳозирги Миллий академик драма театридан, муסיқали драма соҳасида 1930-йилларда Республика муסיқа театри, кейин 1939-йил янги муסיқали комедия театри очилди ва 1940 йилда бу театрни Муқимий номи билан аталди. Илк спектаклни саҳналаштириш учун таклиф қилинган Сатира театрининг режисёри ва актёри М.Мироқилов томонидан Муқимий номидаги муסיқали драма ва комедия театрида тайёрланган Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” муסיқали комедияси премьерa билан 1940 йил 30 ноябрда театр ўз бағрига биринчи бор томошабинларни чорлади. Қисқа вақт ичида кўплаб спектакллар саҳна юзини кўрди.

Муқимий театри биноти қадимий ва замонавий меъморлик услубларини ўзаро уйғунлаштириш асосида барпо этилган (1943, безаклари —1951, меъморлар Д. Хазанов, В. Тихонов; муҳандис А. Рабинович; халқ усталари Ю. Мусаев, М. Қосимов, Уста Ширин, Ш. Ғофуров, Уста Мўмин ва бошқа қатнашган). Бош тарзи 3 равокли, пештоқли, тепаси шарафали. Пештоқининг 2 ёнига ганчдан панжаралар намоён ишланган. Уста Юсуфали дахлиз залларини қобирғали гумбазлар билан кўтарган, устунлар орасига устма-уст равоқлар ўрнатиб, интерьерлари ганч ўймакорлигида безатилган. Уста Мўмин томоша зали деворига узум ва унинг барглари тасвирини ганчга ўйиб ишлаган, фойесида эса гуллаётган ўрик дарахти тасвирланган. Томоша зали 800 томошабинга мўлжалланган. Мустақиллик йилларида театр илк бор реконструкция қилинди. [4, 5.]

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан кейин, театр фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй берди. Театр бинolari замонавий талабларга жавоб берадиган қилиб қайта таъмирланди. Таъмирдан сўнг бинолар бутунлай янги қиёфага эга бўлди, театрлар замонавий жиҳозлар ва моддий-техник базаларига эга бўлди. [6.]

Бир пайтлар турна қатор бўлиб театр спектаклига шошган оламонни бугун учратиш амри маҳол. 21 асрда телевидения, телефон, Интернет, театрни томошабинлардан узоқлаштириб қўйди... Актёрларнинг жонли тарзда ижро этаётган ҳиссий кечирмаларини кузатиш, улар билан биргаликда шахсан қалбан хис туйғуларга берилиб туйинишдек ҳолатни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Сўнги йилларда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маданият ва санъат муассасаларини давлат томонидан

қўллаб қуватланишининг самарали тизимини яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса: Театрга яна томошабинни қайтариш, айниқса ёш авлодни жалб этиш, маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек халқи маънавиятини янада ривожлантирувчи театр биноларини замонавий талабларга жавоб берадиган қилиб реконструкция қилиш, янгиларини жахон андозасига, ва миллий қадриятларни тикловчи ечимли биноларни яратиш. Ушбу соҳадаги муассасалар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник заминини мустаҳкамлаш, аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш долзарб масалалардан бири. Юқоригидагиларни амалга ошириш учун:

1. Театрларда шунингдек, уларга туташ худудда интерфаол зоналарни яратиш.

2. Ижодкорларнинг нутқини бир вақтнинг ўзида таржима қилиш имкониятига эга бўлган қулоқчинлар ва ёки матнли монитор-табло ўрнатиш орқали хорижий томошабинлар учун театр чиқишларини синхрон таржима қилиш имкониятларини ташкил этиш.

3. Замон талабларига жавоб берадиган театрлар инфратузилмасини ривожлантириш ва теварак атроф муҳитини ва қиёфасини ўзгартириш.

4. Асосий тамоша залларида инновацион, ахборот технологияларга таянган холда актёрлар ва тамошабинлар мулоқатини янада такомиллаштириш кўп мақсадли муҳит яратиш керак.

5. Туризм тизимида иштирок этиши мақсадида театрларнинг мажмуасида музей, кўргазма галлереялар, заллар, мулоқот рекреацияларни ташкил қилиш.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармони.
2. Тошкент энциклопедияси. –Т.: “Тошкент миллий энциклопедияси” 2008.
3. Турсунов Ф., Ҳобилов Б. Тошкент истиқболи. –Т.:1988.
4. У истоков древней культуры Ташкента/ Отв. редактор Шишкина. –Т.: 1982.
5. Мансуров Я. Некоторые особенности связи интерьера с окружающей средой. –Т.: 2014

6. Mannopova N.R Boychiboyeva Sh.S. O'ZBEKISTONDAGI UMUMIY OVQATLANISH MUASSASALARINING RIVOJLANISH TARIXI VA ULARDAGI ARXITEKTURAVIY ECHIMLAR (ISTIQLOLGACHA BO'LGAN YILLARDA). "ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ АРХИТЕКТУРА МУҲИТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ" мавзусидаги республика on-line илмий - амалий конференция 2021 Ўил 20 Май
7. Boychiboeva Sh.S. THE BASIS OF THE DESIGN OF INTERIORS OF CAFES AND RESTAURANTS AND THE IMPORTANCE OF ZONING IN PUBLIC CATERING ESTABLISHMENTS. Теория и практика современной науки.- 2021.- №10(76)
8. Nilufar, M., & Farrukhovna, I. N. (2021). Basic Provisions and Requirements for the Formation of Interior Spaces of Hotels. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 12, 417-420.
9. Mukaddas, I., Nilufar, M., Abduvaris, T., Yashnar, M., & Murtaza, R. (2021). Creating an Architectural Environment for Unemployed People with Disabilities in Uzbekistan. *Design Engineering*, 12165-12172.
10. Erkinovich, M. Z. ., & kizi, F. Z. X. . (2021). The Principles of Formation of a GYM in Modern Multi-Storey Residential Buildings. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*, 1(7), 115–119. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijiaet/article/view/857>
11. Erkinovich, M. Z. (2020). Cultural and cognitive aspect and factors influencing the organization of the architectural environment of the aralsea region tourist routes. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8139- 8153.
12. Erkinovich, M. Z. (2020). INVITATION PROJECTS FOR ARCHITECTURAL ROUTES ARCHITECTURAL ENVIRONMENT. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8154-8164.
13. Sultanova, M. F., Makhmudova, M. T., Tursunova, S. F., Saipova, D. S., & Abdugarimov, B. A. (2021). The Effect Of Architectural Design And Its Dimensions On Human Psychology. *NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO*, 1601-1610.
14. Султанова, М. (2021). Landshaft loyihasini yaratishda landshaft dizayni va bino uyg'unligi. *Общество и инновации*, 2(12/S), 49-54.
15. KOLDOSHEVA, R., MANNOPOVA, N., & MATNIYOZOV, Z. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ Учредители: ООО" Институт управления и

социально-экономического развития», (10), 32-35.

16. Маннопова, Н., Абдусаматов, С., Боймуродов, Ш., Исмоилов, А., & Маматкузиёв, Б. (2021). Influence of “thematic parks” to the development of tourism in Uzbekistan. *Общество и инновации*, 2(12/S), 122-131.